

THE NEED TO UNDERSTAND THE NATIONAL SELF IN THE ERA OF GLOBALIZATION AS WELL AS THE DEVELOPMENT OF PHILOSOPHICAL ANTHROPOLOGY

Ўтаев Ғ.Ғ

TTA Social Sciences

senior lecturer at the Department

Annotation: this article examined the process of globalization about its rapid pace of development in the present day yuilan, as well as issues of national identity awareness in the process of globalization. The author tried to summarize such approaches as understanding the national self, preserving our national customs and values in the process of globalization.

Keywords: globalization, conservatism, nationalism awareness, Western, Eastern, ethnogenesis, self-awareness, philosophical anthropology, human philosophy, Human Nature, Human mohdati, culture, spirituality, enlightenment, contemplation, consciousness, intuition, irrationalism, human - imperfect being.

Аннотация: Ушбу мақола глобаллашув жараёни ҳақида унинг ҳозирги кундаги тез суръатлар юилан ривожланиб бораётганлиги ҳақида, шунингдек глобаллашув жараёнида миллий ўзликни англаш масалалари кўриб чиқилди. Муаллиф глобаллашув жараёнида миллий ўзликни англаш, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни сақлаб қолиш каби ёндашувларни умумлаштиришга ҳаракат қилди.

Калитсўзлар: Глобаллашув, консерватизм, миллийликни англаш, ғарб, шарқ, этногенез, ўз-ўзини англаш, фалсафий антропология, инсон фалсафаси, инсон табиати, инсон моҳияти, маданият, маънавият, маърифат, тафаккур, онг, интуиция, иррационализм, инсон - номукаммал мавжудот.

Глобаллашув феномени замонавий дунёда нафақат иқтисодиёт ва хусусий секторни, балки сиёсий ва ижтимоий жабҳаларда ҳам ўз аксини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда янги маълумотлар ҳаётимизнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий трансформация жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Глобаллашувнинг асоси ҳам айнан шу маълумотларни қабул қилиш, ўзлаштириш, таҳрир этиш ва узатишдан ташкил топган.

Мустақиллик буюк ижтимоий-сиёсий воқелик сифатида миллатимизда ўзлигини тўғри ва тўлиқ англаш имконини яратди. Мустақиллик туфайли миллатимизнинг ҳар бир вакили ўз ҳаёти ва келажагига ўзи маъсул, ўзи ижодкор эканлигини англаб етди ҳамда умуминсоний тараққиётда ўз улуши, ўз ўрни борлигини тушунди. Миллий ўзликни англаш тушунчаси мустақилликка эришгандан сўнг олимлар ва тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинди ва бу тушунчага турлича ёндошилди.

Ўзликни англаш тушунчаси билан миллий ўзликни англаш тушунчаси бир-бирига боғлиқ тушунчалар ҳисобланади. Инсон дастлаб ўз-ўзини англаши лозим. Агар киши ўзини англаб етмаса, миллий ўзлигини ҳеч қачон англаб етмайди. Шу ўринда таниқли олима Ш.Қаҳҳорованинг ўз-ўзини англаш борасидаги фикрлари масалага анча ойдинлик киритади. Олима фикрича, ўз-ўзини билиш бу – мени, менинг билимларимни, менинг дунё билан бўладиган муносабатларимни ва мени мен эканимни белгилаган қадрият-белгиланишлар асосларини англашим демакдир¹. Ш.Қаҳҳорова кишининг ўз-ўзини англашини Ғарб ва Шарқ

¹ Ш.Қаҳҳорова Глобал маънавият- глобаллашувнинг ғоявий асоси. Тошкент, “Тафаккур” 2009 89 бет.

йўналишларини келтириб ўтади. Унга кўра, Шарқ ўзликни англашда тафаккурни бартараф этиш, объектсиз (объектга жалб этмасдан) анлаш зарурлигини уқтиради... Ғарб эса англаш жараёнини тафаккур воситачилигида амалга ошиши, у ҳаминча бирон “нимага” йўналган бўлиши кераклигини... таъкидлаб келади². Бунинг натижаси ўлароқ, ўзликни шакллантиришнинг бир-биридан катта фарқ қиладиган техникаси вужудга келди яъни, - Шарқда медитация (зикр) ва Ғарбда тафаккурда кечадиган ҳамда тафаккур воситасида амалга ошириладиган рефлексия...³ Олима ўз-ўзини англашнинг Шарқ ва Ғарб йўналишларини таҳлил қилар экан, бунда шарқ йўналиши бўйича ўзликни англашни инсон ва оллоҳ ўртасидаги аниқ равшан, таҳлил қилишга ҳожат йўқ бўлган восита билан боғлайди. Бу воситанинг моҳияти эса маълум маънода чегарага эга ҳисобланади. Ўз-ўзини англаш борасида Ғарб йўналиши эса олим айтиб ўтганидек, ҳамма нарсани тафаккур воситачилигида билишга асосланади. Бунинг натижаси эса Ғарбда XX аср бошларидан бошлаб кузатилиб келинаётган ҳар хил салбий оқибатлар олиб келувчи тадқиқотлар хусусан, одамлар устида олиб борилган ноқонуний тажрибалар ва уларни синаш, инсон яратилиши борасидаги турли нуқтаи назарлар ва бошқаларда акс этди. Охир оқибат бу XX аср охири XXI аср бошларида юзага келган маънавий глобаллашувга олиб келди. Бугун ўзбек миллати янги шароитда ва янги замонда яшамокда. У мустақиллик йилларида қанчалик улкан муваффақиятларни қўлга киритмасин, глобаллашувнинг кучли босими остида яшашга мажбур бўлмоқда. Аммо аҳолимизнинг турли табақалари ўртасида ўтказилган социологик сўров натижаларига қарайдиган бўлсак, унинг ана шу босими миллий маънавиятимизга ўтказаетган таъсири даражасида англашмаётганлиги, тушуниб етилмаётганлиги маълум бўлмоқда. Бу миллатнинг ўзлигини англаши ривожланишида бир қадам сокинлик юзага келмоқда. Бу ҳали миллатимизнинг шаклланиш жараёнининг давом этаётганлиги, бозор муносабатлари шаклланган муаммо ва кундалик ҳаёт кўяётган муаммолар билан боғлиқ бўлиши мумкин .

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг биринчи бўлиб, тарихий хотирани тиклаш ва миллий ўзликни англашга катта эътибор қаратилди. Бу жараён албатта ўз-ўзидан давлатимиз ва миллатимизнинг кейинги келажагини белгилаб берадиган муҳим омиллар ҳисобланади. Чунки ҳар қандай миллат ўзининг тарихий ўтмиши ва унда кечган барча соҳадаги жараёнларни англамас экан бундай миллат ўз келажагини қуриш у ёқда турсин, ҳатто буни тасаввур ҳам қилолмайди. Бу борада биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “ўзликни англаш тарихдан бошланади”⁴.

Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хуллас, Ватаннинг тарихини билишни истайди. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.⁵ Дарҳақиқат ҳар бир инсон ўз халқи тарихини ўрганар экан, бу борада маълум бир тушунчага, тўхтамага келади. Ўз халқи тарихини билиш эса ўзлигини англаш ва ўзини шу халқ, шу миллат вакили сифатида ҳис қилишдир. Миллий ўзликни англашнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи урф, одат, анъана, кадрият, маросимлар ва бошқаларни билиш умуман миллатнинг тарихий хотирасида мавжуд бўлган бу белгиларни билиш ҳам миллатнинг миллий хусусиятларини ташкил этади. Ушбу белгилар этнологик адабиётларда миллатнинг типологик белгилари деб номланади. Халқ, миллатнинг типологик белгиларига умумий тил, турмуш тарзи, маданият, ахлоқий кадриятлар каби белгилар билан бирга “халқ руҳи” ёки “халқ қалби” каби психологик хусусиятлар ҳам киради. Булар ичида энг муҳими букишиларнинг умумий этногенезга таалуқли эканлигини яъни, бир негиздан келиб

² Ш.Қаҳҳорова Ўша асар қаранг 89 бет.

³ Новейший философский словарь: 3-е издание, исправл.- Мн.: Книжный дом. 2003.- 1280 стр.-(Мир энциклопедий)

⁴ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Тошкент., Шарқ, 1998 5 бет

⁵ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Тошкент., Шарқ, 1998 3 бет

чиққанлигини билишдир. Тарихий фактлар ва бу борадаги тадқиқотчилар таъкидлашча умумий этногенезни идрок этиш миллат вакиллари тез бирлаштиради, уларни ҳамжихатликда ҳаракат қилишга ҳамда миллий манфаатларни тезда англаб уларни ҳимоя этшга ундайди.⁶ Ҳақиқатдан ҳам миллат онгида кечадиган ушбу жараён унинг миллий ўзлигини англашнинг тезлаштиради ҳамда жипслашиш ва миллий бирликни таъминлайди. Айнан ана шу муҳим фактор халқларнинг миллий ўзлигини англаш жараёнида сермахсул ҳисобланади. Умуман миллий ўзликни англаш жараёнида асосан шу фактор таянч вазифани бажаради. Яъни тарихий хотирани тиклашга қаратилган чуқур эътибор натижасида, миллат ўзини тарихдаги афсонавий қаҳрамонлар, буюк шахслар, маданият, маросим, қадрият ва бошқалар билан бирхиллаштиради яъни, миллий идентификациялаштиради. Аммо халқ ёки миллатдаги миллий ўзликни англаш жараёни ҳар доим ҳам тез ва сермахсул кечмайди. Миллий ўзликни англашда фаол қатнашадиган омиллардан бири бу маданият ҳисобланади.

Бугунги кунда дунё бўйлаб кечаётган миллий интеграция, миллий масалалар, миллий муаммолар ҳамда миллий ўзликни англаш жараёнини таҳлил қиладиган бўлсак, бу жараённи икки хил турга бўлиш мумкин: 1) этник ва этногенетик жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлмаган халқ ва миллатларда кечаётган миллий ўзликни англаш; 2) этник ва этногенетик жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлган халқ ва миллатларда кечаётган миллий ўзликни англаш. Аммо бугунги кунда дунё бўйлаб шиддат билан тарқалаётган оммавий маданият ўсиб келаётган ёш авлод онгини заҳарламоқда. Бу эса ўз-ўзидан ёшларни миллий маданиятимизга эмас, балки оммавий маданиятга эргашишига, шу асосда фикр юритишига, ҳамда миллий ўз-ўзини англашига тўсиқ бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, миллат дастлаб ўзи мустақил бўлмоғи лозим. Агар у қандайдир бир куч таъсирида, қандайдир ёт бўлган маданият таъсирида ёки қандайдир бир оқим таъсирида бўлар экан, миллий ўзлигини англаш у ёқда турсин, ўз-ўзини ҳам англай олмайди.

LITERATURE:

1. Ш.Мирзиёев. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатлари таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.-Т.:Ўзбекистон, 2016.
2. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак.-Т.:2017.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. Шарқ, 1998 25-26 бетлар.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Тошкент:Манавият, 2008.
7. А.Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи Тошкент. Шарқ, 2000 30 бет.
8. О.Қўшжонов Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. Тошкент, “Adu matbuot konsalt” 2007. 157бет.
9. К.Шониёзов Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.Тошкент “Университет” 2007.59 б.
10. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. (сиёсий-фалсафий қирралари). - Тошкент: Академия, 2005. – 367 б.

⁶ Налчаджян А.А. Этнопсихология. – СПб, Санкт-Петербург, 2004.- стр 325.